

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясига профессор-ўқитувчиларни
очик танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ–78-сон “Истикболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 3-илласи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясини 2025-2026 йилларда комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар дастурининг 16-бандига асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия)нинг профессор-ўқитувчилари лавозимлари бўйича очик танлов эълон қилиш ҳамда 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб уларни бир йиллик меҳнат шартномалари орқали ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Академия профессор-ўқитувчилари таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (кейинги ўринларда – профессор-ўқитувчилар) лавозимини эгаллаб турган шахслар киради.

3. Очик танлов асосида ишга қабул қилинувчи профессор-ўқитувчилар билан бир йиллик меҳнат шартномаси тузилади.

Дастлабки меҳнат шартномаси 3 ойлик синов даврини ўз ичига олади.

Шартнома даврида номзоднинг фаолияти таҳлил қилинади ва кейинги йил учун меҳнат фаолияти натижаларига асосан меҳнат шартномаси янгиланиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4. Очик танловнинг асосий мақсади – юқори малакали, илмий ва педагогик салоҳиятга эга кадрларни Академияга жалб этиш, таълим сифатини ошириш ва илмий фаолият самарадорлигини таъминлашдир.

5. Очик танлов қонунийлик, холислик, очиклик, шаффофлик, коллегиялик ва тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асосида ўтказилади.

6. Очик танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари, илмий даража ва унвонга эга ҳамда замонавий талабларга

жавоб берадиган мутахассислар (кейинги ўринларда – номзодлар) иштирок этиши мумкин.

7. Академияга профессор-ўқитувчилари лавозимиغا соатбай ҳақ тўлаш шартларида ишга кираётган шахслар танловсиз, ректор буйруғи билан, белгиланган тартибда қабул қилинади.

2-боб. Очиқ танловни ўтказиш тартиби

8. Очиқ танлов йилда камида бир маротаба, ўқув йили бошланишидан олдин ўтказилади. Зарур ҳолларда қўшимча очиқ танловлар эълон қилиниши мумкин.

9. Очиқ танловни ўтказиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) Академия ректори буйруғи билан ташкил этилади.

Комиссия раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолардан иборат таркибда ташкил этилади.

Комиссия таркибига ректор, проректорлар, келишувга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) вакиллари, Инсон ресурсларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, Юридик хизмат ва комплаенс-назорат бошқармаси бошлиғи киради. Заруратга кўра, мустақил экспертлар ва психологлар ҳам киритилиши мумкин.

Комиссия котиби ва ишчи орган сифатида Академия Инсон ресурсларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи белгиланади.

Комиссия мажлиси комиссия таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади.

10. Очиқ танлов ҳақидаги эълон Академиянинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқларида, ОАВ орқали эълон қилинади.

11. Очиқ танловда иштирок этиш учун номзодлардан ҳужжатлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 календарь кун мобайнида қабул қилинади.

12. Очиқ танлов жараёни видеотасвирга олинади, аммо ушбу тасвирлар фақат апелляция ёки суд жараёнларида далил сифатида фойдаланилиши мумкин. Очиқ танловдан ўтувчилар видеотасвирга олиш тўғрисида олдиндан хабардор қилинади.

13. Очиқ танлов қуйидаги босқичда ўтказилади:

эълон бериш ва номзодларнинг ҳужжатларни қабул қилиш;

номзодларнинг ҳужжатларини таҳлил қилиш ва саралаш;

номзодларнинг илмий-педагогик фаолиятини баҳолаш;

номзодлар томонидан ўқув машғулоти намуналарини тақдим этиш;

номзод томонидан якка тартибда ўтказадиган 15-20 минутлик “очик дарс” машғулотини баҳолаш;

номзодлар билан якка тартибда суҳбат (интервью) ўтказиш;

комиссия томонидан якуний қарор қабул қилиш.

3-боб. Очик танловда иштирок этиш шартлари

14. Номзодлар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши;

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши;

Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши;

Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлиши;

Ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга (магистр, дипломли мутахассис) эга бўлиши талаб этилади.

Барча номзодлар давлат тилини билиши, илмий ва амалий фаолиятда тегишли тажриба, илмий мақолалар ва ўқув қўлланмалар муаллифи, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукамал ўзлаштирган, интерактив усуллар орқали дарс олиб бориш салоҳиятига эга бўлиши лозим.

Номзодларнинг хорижий тилларда эркин мулоқот қилиши, шу билан бирга, хорижий давлатлар фуқароларининг ўзбек тилини билиши уларга очик танловда устуворлик беради.

15. Очиг танловда қатнашиш учун номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Академия ректори номига ариза (белгиланган намунада);
паспорт ёки ID-шахс гувоҳномаси нусхаси;
диплом ва илова нусхалари;
меҳнат дафтарчаси нусхаси;
илмий ишлар рўйхати;
резюме (CV) маълумотнома.

4-боб. Очиг танловда номзодларни баҳолаш ва меҳнат шартномаси тузиш

16. Очиг танлов 100 баллик тизимда баҳоланади. Ҳар бир номзоднинг баллари якка тартибдаги суҳбат (интервью)дан сўнг умумий балл сифатида қайд этилади.

17. Комиссия номзодларни қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

тақдим этилган ўқув машғулоти намуналарининг сифати, уларнинг янгилиги, “очиг дарс” машғулотининг самараси, интерактив усуллардан фойдаланиш қобилияти – 25 балл;

якка тартибда суҳбат (интервью) номзодларни давлат сиёсатини тушуниш ва таҳлил қилиш, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги билимларини аниқлаш – 25 балл;

педагогик тажриба ва натижалар – 15 балл;

чет тилларини билиш даражаси – 10 балл;

илмий салоҳият (мақолалар, ўқув қўлланмалар, тадқиқотлар) – 10 балл;

академик мобиллик, халқаро ҳамкорлик тажрибаси – 5 балл;

ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кўникмалари – 5 балл;

академик одоб-ахлоқ ва муомала маданияти – 5 балл.

18. Очиг танлов натижаси қуйидаги даражаларга кўра баҳоланади:

81–100 балл – лавозимга лойиқ;

61–80 балл – лавозимга шартли равишда лойиқ;

60 балл ва ундан паст – лавозимга нолайиқ.

19. Комиссия томонидан очиг танловда иштирок этувчи номзодларнинг сўнгги йиллардаги меҳнат фаолияти давомида амалга оширган ишлари, соҳа бўйича билими, илмий-сиёсий етуклиги ва хорижий тилни билиш кўникмаси бўйича саволларга берилган жавобларига асосан, ҳар бир номзодга нисбатан очиг овоз бериш йўли билан алоҳида қарор қабул қилинади. Қарор танловда иштирок этган комиссия аъзоларининг кўпчилиги овоз берганда, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Комиссия аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия аъзолари овоз бериш жараёнида бетараф қолиши мумкин эмас.

20. Танлов натижаси бўйича комиссия қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

номзод лавозимга лойиқ;

номзод лавозимга шартли равишда лойиқ;

номзод лавозимга нолайиқ.

Номзод лавозимга шартли равишда лойиқ деб топилганда, уч ойдан сўнг Академия кенгаши ҳулосаси асосида “эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолайиқ” эканлиги аниқланади ва қарор қабул қилинади.

21. Танлов якуни бўйича комиссия томонидан қабул қилинган қарор комиссия раиси, котиби ҳамда аъзолари томонидан имзоланадиган очиқ танлов баённомасига киритилади.

22. Очиқ танлов натижалари асосида энг муносиб номзодлар рўйхати комиссия котиби томонидан Академия ректорига тақдим этилади.

23. Очиқ танлов натижалари беш иш куни ичида Академия сайтида эълон қилинади.

5-боб. Апелляция шикоятини бериш ва кўриб чиқиш тартиби

24. Апелляция комиссияси Академия ректори бўйруғига асосан тузилади ҳамда унинг таркибига комиссия таркибига киритилмаган проректор, Инсон ресурсларини ривожлантириш бошқармаси, Таълим ва тадқиқотлар сифатини назорат қилиш бошқармаси ва Қасаба уюшмаси кўмитаси вакиллари киради.

25. Комиссиянинг қароридан норози номзод комиссия қарори эълон қилингандан сўнг бир иш куни давомида апелляция шикоятини бериши мумкин.

26. Номзод томонидан берилган апелляция шикояти апелляция комиссияси томонидан уч иш кунида кўриб чиқилади.

27. Номзод апелляция шикоятини кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

28. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқишда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

номзоднинг шикояти ўз тасдиғини топган тақдирда, комиссия қарорининг тегишли қисмини бекор қилиш ҳамда номзоднинг тўплаган баллини қайта кўриб чиқиш тўғрисида;

номзоднинг шикояти ўз тасдиғини топмаган тақдирда, апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

6-боб. Яқуний қоидалар

29. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

31. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Васийлик Кенгаши қарори асосида амалга оширилади.